



# SHAROF RASHIDOV- MASHXUR O'ZBEK YOZUVCHISI

Шохсанам СУЛАЙМОНОВА,  
Чирчиқ давлат педагогика институти.

**Таянч сўзлар:** давлат арбоби, адиб, ёзувчи, мухбир, масъул котиб, муҳаррир, шеърӣ тўплам, қисса, роман.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 27 мартда қабул қилинган "Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги Қарори кенг жамоатчилик томонидан кўтаринки руҳда кутиб олинди, [1. б] шу йили Шароф Рашидовнинг 100 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидаги бир қатор асарларда жумладан, Ш.Рашидов раҳбар бўлган даври ҳақида илгари ҳукмрон бўлган тасаввурлар қайта кўриб чиқилди. Олимларимиз совет даври тарихига, у давр шахсларига баҳо берганда бутуннинг кўзи, бутуннинг меъзони билан ёндашмасдан ўша даврни мураккаблигини доим эсда тутишлари лозим ҳисобланади. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев айтганидек, "Шароф Рашидов ўз даврининг фарзанди эди, у мавжуд тузумга садоқат билан хизмат қилди. Аммо бедодликни қарангки, шундай одам дунёдан кўз юмганида ўзи умр бўйи ҳимоя қилган, содиқ бўлиб хизмат қилган тузум унга хиёнат қилди. Мисли кўрилмаган шаккоклик билан унинг хотирасини таҳқирлаб, жасадини кўчирдилар, оила-аъзолари ва қариндош-уруғларини таъқиб этдилар. "Рашидовчилик" деган сохта иборани ўйлаб топиб, унинг хотирасини ёмонотлиқ қилдилар".[2. 343-344. б].

Истиқлол ва тараққиёт йўлимиз белгилаб олинган, бой миллий-маданий меросимизга, тарихимизга янгича муносабат талаб қилинаётган бир даврда мустақил давлатимизнинг кўп асрлик тарихини миллий манфаатлар нуқтаи назаридан кўриб чиқиш, тарих муаммоларни янгича ёндашув асосида талқин этиш каби долзарб вазифалар ўз ечимини топмоқда. Тарихан қисқа даврда эришган энг катта ютуқларимиз – бу юртимиз озодлиги ва қадриятларимизнинг тикланганлигидир. Зотан, юртимиз ҳудудидан етишиб чиққан буюк шахслар, давлат арбоблари, мутафаккирларнинг ҳаёти, уларнинг мамлакатимиз тараққиётига қўшган ҳиссаси ва улар қолдирган маънавий меросни ўрганиш, тадқиқ этиш, асраб-авайлаш олий мақсадимиздир.

Ўзбекистон тарихининг Шароф Рашидов раҳбарлик қилган даври ўта мураккаб ва зиддиятларга бойлиги билан халқимиз хотирасида оғир таассуротларни уйғотади. Шу боис Ш.Рашидов даврини ўрганиш ва унга объектив баҳо бериш тарихчи, сиёсатчи ва адабиётчи олимлар учун



мураккаб иш ҳисобланади. Энди Ўзбекистонда чорак асрлик Ш.Рашидов мураккаб ва зиддиятли бошқаруви нима натижалар ва ютуқларга эришди деган саволга энг аввало ўз сиёсатида Ўзбекистон ва Марказ манфаатлари ўртасида мувозанатни ушлаб туришга ҳаракат қилди. У раҳбарлик қилган давр давомида учта Совет Иттифоқи раҳбарлари Н.Хрущёв, Л.Брежнев, Ю.Андроповлар алмашди ва уларнинг ҳар бири давлатнинг ички ва ташқи сиёсатида кескин ўзгаришларга, ўарб давлатлари билан ўзаро мусобақада тобора ортда қолиб бораётган совет тузумини ислоҳ қилишга, уни муқаррар ҳалокатдан сақлаб қолишга интилди.

Бу табиий ҳол, зотан Ш.Рашидов раҳбарлик қилган даври умумий маънода ўзбек халқини XX аср мустақилликкача бўлган даври тарихидир. Бу тарих миллийлик ва большевикча байналмилаллик, исломий анъаналар билан коммунистик даҳрийлик ўртасидаги кураш тарихидир аслида.[3. 3. б.] Ушбу кураш адабиёт ва санъатни, фан ва маорифни, миллий онг ва эътиқодни, кундалик турмуш ва урф-одатларни, умуман олганда ижтимоий ҳаётни барча жабҳаларини қамраб олган XX аср бўйлаб давом этган кураш жасорати эди. Бу курашнинг энг буюк натижаси эса ўзбек халқини ўзлигини, ўз миллий гурурини сақлаб қолиши бўлди. Ҳеч шубҳасиз Ш.Рашидов бу курашнинг олдинги сафида бўлди ва "биз бугун тўла ишонч билан айта оламизки, Шароф Рашидов мустақиллик пойдеворига муносиб гишт қўя олган арбоблардан бири эди". [4. 89. б].

Ш. Рашидов 1917-йил 6-ноябр (24-октябрь) куни Жиззах шаҳри яқинидаги Совунгарлик қишлоғида дехқон оиласида дунёга келди. 1926-йилда Жиззахдаги 7 йиллик мактабга боради. Шароф Рашидов ўткир хотирага эга бўлган ва фанларни жуда енгил ўзлаштирган. Етти йиллик мактабни битиргандан сўнг 1933-йил Жиззах педагогика техникумига ўқишга киради. Техникумда у жуда тез орада ўзини фақат аълочи талаба эмас, яхшигина ташкилотчи сифатида ҳам кўрсатди: у техникум касаба уюшмасига раис этиб тайинланди. Шу йиллари Шароф Рашидовнинг адабиётдаги қобилияти ҳам намоён бўлди. У шеърлар ёзиб техникум деворий газетасида эълон қилиб борди. 1936-йили Жиззах педагогика техникумини битирган Ш. Рашидов Жиззахдаги Наримонов номи мактабга ўқитувчиликка йўланма олади. Бу даврда мамлакатда саводсизликка қарши кураш бошланган эди. Ш. Рашидов мактабда ўқитувчилик қилиб ҳурмат ва обрўга эришиши мумкин эди. Аммо ўзига ўта талабчан бу йигит анча юқори марраларни кўзлайди. 1937-йил Самарқанддаги Ўзбекистон давлат университетида ўқишга кирди.

Шароф Рашидов талабалик йилларида ҳам ижод билан шуғулланиб, шеърлар ва кичик ҳикоялар ёзиб юради. У дастлаб шеъриятда қалам тебратиб, "Самарқанд куйлари" номи билан биринчи шеърый тўпламини эълон қилди. 1937 йилда унинг "Чегарачи" достони нашр этилди. 1938 йил "Ленин йўли" газетасининг 8 март сониде "Санъатинг кулсин" шеъри босилди. Унинг интилишини кузатган факультет декани Иброҳим Мўминов



бу фаол талабага ўқишдан бўш вақтларида Самарқанд область "Ленин йўли" газетасида ишлаш учун ректордан рухсат олиб беради. Шароф Рашидов "Ленин йўли" газетасида мухбир, масъул котиб, муҳаррир муовини, ўқишни битириш арафасида эса газета муҳаррири лавозимига кўтарилади.

1941-йил бошланган уруш кўплар қатори Ш. Рашидовнинг ҳам ҳаётий режаларини ўзгартириб юборди. 1941-йил Москва оstonаларидаги жангларда қатнашди. 1942-йил чап қўлидан оғир ярадор бўлди, узоқ даволанишлардан сўнг ҳарбий хизматни давом эттириш учун яроқсиз деб топилди, чунки ярадорлик Шароф Рашидовнинг юрагида асорат қолдирган эди. [5. 8-б]. Шароф Рашидов урушдан қайтганидан кейин насрда ҳам, назмда ҳам қалам тебратди. Уруш дахшатларини бошидан кечиргани учун асосан уруш мавзусида асарлар битди. 1945 йили унинг совет халқининг фашистлар Германияси устидан қозонилган ғалабасига бағишланган "Қаҳрим" шеърлар тўплами босилиб чиқади. Унинг шеърлари расмий совет шеърияти доирасида яратилган асарлар сирасига кирарди. Лекин тўпламдаги шеърларнинг қиммати шундан иборат эдики, инсоният тарихидаги энг дахшатли урушни ўз кўзи билан кўрган инсоннинг мулоҳаза ва кечинмалари ҳар бир шеър асосини ташкил қиларди. Шеърини тўплам муаллифи адабий жамоатчилик эътиборига тушиб, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилинди.

Шароф Рашидов ўзининг дастлабки йирик насрий асари "Ўлиблар" қиссаси устида ишлашни бошлайди. Қисса ўзбек халқининг қўриқ ерларни ўзлаштириш учун курашига бағишланган. Бу асар ўз даври учун жуда долзарб бўлган муаммони – республикада суғориш тизимини тубдан ўзгартиришни, бу йўлда таваккал қилмасдан, ҳаммасини ўз жойида қолдиришни истаган айрим раҳбар ходимлар билан ёш новаторлар ртасидаги курашни тасвирлашга бағишланган. Ўзи қишлоқда, деҳқон оиласида туғилиб ўсган Ш.Рашидов республика қишлоқ хўжалигидаги аҳволни, ютуқлар ва муаммоларни жуда яхши билар эди, шу сабабли ўзининг дастлабки асарини айнан қишлоқ хўжалиги муаммоларига бағишлади.

"Эскича ва янгича қарашлар" ўртасидаги зиддият ўша кезларда совет адабиётидаги асоси йўналиш ҳисобланарди. Лекин ўзбек адабиётида айнан Шароф Рашидов "Ўлиблар" романи билан шу йўналишнинг тамал тошини қўйди. [6. 59-б]. Унинг бу асари 1951 йилда чоп этилди. Етти йилдан кейин романнинг давоми "Бўрондан кучли" яратилди.

Шароф Рашидов 1949 йили Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси этиб сайланди. Бу лавозим ёзувчиликда, журналистикада анча танилиб қолган Ш.Рашидовнинг фақат раҳбарлик эмас, ёзувчилик фаолияти учун ҳам жуда муҳим тажриба бўлди. 32 ёшли Шароф Рашидов бу лавозимда ўафур ўулом ва Ойбек сингари академик ёзувчиларга раҳбарлик қилди, таниқли ёзувчи Шукруллонинг эслашича, муҳит анча мураккаб бўлган ёзувчилар уюшмасини маҳорат билан бошқара олди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида фронт орқасида қаҳрамонона меҳнат қилган халқ ҳаётига бағишланган "Бўрондан кучли" (1958) ва "Қудратли тўлқин" (1964), "Ўолиблар" (1972) романларини яратди. Рашидов халқ ва мамлакат ҳаётида рўй берган воқеаларни давлат ва партия арбоби сифатида мушоҳада етиб, адабиётнинг бадиийлик мезонларидан кўра гоёвийлик тамойилига кўпроқ эътибор берди.

Кашмир халқининг қадимий севги достони асосида ёзилган "Кашмир қўшиғи" лирик қиссаси (1956) Рашидов ижодида алоҳида ўринни эгаллайди. "Кашмир қўшиғи" қиссасида баҳодир Бамбурнинг гўзал Наргизга бўлган муҳаббати куйланади. Эрк учун курашувчилар бу йўлда халқни бирлаштира олсалар улар ғалаба қозонадилар. Кашмир халқининг қадимий севги достони асосида "Кашмир қўшиғи" дунёнинг 56 тилига таржима қилинган. Бу асар "Кашмир афсонаси" номи билан Москва театрида ва Тошкентдаги Навоий номли опера ва балет театрида саҳналаштирилган.

Ижодкорнинг "Кашмир қўшиғи", "Икки дил достони" (1959) каби лирик қиссалари ва "Коинот" (1960) каби киноқиссаси анъанавий Шарқ достончилиги услубида битилган бўлиб, ёшдик, баҳор, гўзаллик, ҳаёт нашидаси мадҳига бағишланган.

Ш.Рашидовнинг 1964 йилда "Қудратли тўлқин" асари ёзилган бўлиб, уруш воқеалари акс эттирилган. Унда давримизнинг ижодий мазмуни очилган. Республиканинг ёш ишчилар синфи умумхалқ интилишларининг қудратини ўзида ифодалайди. Ёзувчи уларни алоҳида меҳр билан тасвирлаган. Ш.Рашидов "Қудратли тўлқин" асарида чинакам инсон характери қийин шароитлар ичида, уларни енгиб ўтиш жараёнларида, ёмонликка қарши аёвсиз курашларда шаклланишини кўрсатади, маънавий соғломликни улуғлайди, сохта одамлар билан кураш йўлини ёқлайди.

1967-йили "Дўстлик рамзи" номли китоби нашрдан чиқади. Ш.Рашидовнинг танқидий мақолалари совет адабиётининг долзарб муаммоларига бағишланган.

Шароф Рашидов ижодининг охириги маҳсули сифатида 1978 йилда нашрдан чиқарилган "Дил амри" қиссасини кўрсатиш мумкин. "Дил амри" қиссаси ўзбек прозаси учун тамомила янги материал асосида ёзилган. Асар тарихи Новгород областининг кичкинагина қишлоғи Берёзовкада кечади. Муаллиф бизни оғир уруш даврига олиб киради, фашизмга қарши кураш йилларида ўзи жанг қилган ерлар билан таништиради. [7. 68-б]. Қон-қардош халқларнинг тақдирлари мамлакатимизда бир-бирига чамбарчас боғланиб кетгани ҳақидаги гоё қиссанинг бош мазмунини ташкил этади. "Дил амри" қиссаси ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган нодир асардир.

Шароф Рашидов 1983 йил 31 октябрда Қорақалпоғистон Республикасида вафот этди. Шароф Рашидов Шўро ҳокимияти даврининг барча давлат арбоблари сингари вафотидан кейин қораланди, у билан бирга ишлаган давлат арбоблари, ёзувчилар унинг шаънига турли-туман бухтонлар



ёғдиришди. "Ўзбек иши", "Пахта иши", "Рашидовчилик" ўйлаб топилди. Унинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш таъқиқланди.

Асил Рашидовнинг айтишича, Шароф Рашидов вафотидан сўнг айрим "ёзувчи"лар унга туҳмат қилиб, "асарларини ўзи ёзмаган", дейишгача борди. Мен бир адабиётшунос ва ука сифатида унинг илк ижодидан то сўнгги йирик асари – "Дил амри"гача мунтазам равишда кузатиб, таҳлил ва тадқиқ этиб борганман. Барча қўлёзмаси-ю дастхатларининг турли нусхаларини (улар тўла сақланмоқда) кўздан кечирганман.[8. 52 б]



Республика раҳбарлигига Ислон Каримов келгач, барча туҳмат ва таъқибларни тўхтатди. Тарихий адолат тикланди. Унинг пок номи оқланди. Биринчи Президентимиз ташаббуси билан 1992 йилда Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллиги кенг нишонланди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 27 мартдаги "Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишларнинг, миллий ғурур-ифтихорнинг юксак намунаси бўлди.

2017 йил 6 ноябрь куни атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллиги кенг нишонланди.

Ш.Рашидов ноёб ақл-заковати, меҳнатсеварлиги ва камтарлиги билан катта обрў эътибор қозонган, мустамлакачилик зулми остида жабр кўрган халқимизга садоқат билан ҳалол хизмат қилган атоқли давлат арбоби ва ёзувчидир. У умр бўйи ўз халқига, барча соф ниятли инсонларга яхшилик қилиб, уларни катта-катта орзу-истаклар, мақсадлар йўлида бирлаштирди. Мустамлакачиликнинг оғир синовлари таъсирида қолган бўлсада, у доимо инсонпарварлик ғояларига, Ватанга муҳаббат руҳига содиқ бўлиб, халқимиз қалбида шуҳрат қозонди.

Шароф Рашидов даврида Ўзбекистон илм-фани, адабиёти, санъати ўзининг энг юксак намуналари билан бойиди. Ўзбекистон Республикасига қарийб чорак аср раҳбарлик қилган, йирик давлат ва сиёсат арбоби, таниқли адиб ва машхур ёзувчи Шароф Рашидов улкан салоҳияти, улугвор ишлари, эзгу ва ҳаққоний сўзлари билан мамлакатимиз тарихида унутилмас ном қолдирди.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори "Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш

тўғрисида" // "Халқ сўзи", 2017 йил, 28 март.[1. б]

2..М. Мирзиёев. Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қураимиз. Т.: "Ўзбекистон", 2017. 343-344 бетлар.[2. 343-344. б]

3.Ш. Эргашев. Шароф Рашидов. Т.: "Ilm-ziyo-zakovat" 2019. 3-бет. [3. 3. б]

4.И. Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура.- Т.: "Ўзбекистон" НМИУ, 1996. 89-бет.[4. 89. б]

5.Ф. Раззоқов. "Шароф Рашидов: ҳаёт ва мамот". Т.: "Ўзбекистон", 2020. 59 бет.[6. 59.]

6.Ф.М. Абдусаматов, А.М.Музаффаров. "Шароф Рашидов: ҳаёти, фаолияти, ижоди". Т.: "Янгинашр", 2017. 68 бет. [7. 68. б]"

7. А. Рашидов. "Акам ҳақида". Т.: "Янги аср авлоди", 2017. 52 бет.[8.52.б]. е)

#### **РЕЗЮМЕ**

Мақолада давлат арбоби, ёзувчи, адиб, халқимизнинг оташқалб фарзанди Шароф Рашидовнинг талабалик йиллари, маҳаллий ва республика газеталаридаги меҳнат фаолияти, урушдаги жасорати, шоир ва ёзувчи сифатида ёзган лирик ва насрий асарлари, асарларининг бош ғояси ва мазмунини ёритишдаги ҳаққоний, илмий асосланган бой манбалар ҳамда уларда келтирилган маълумотлар баён этилган.

#### **RESUME**

The article deals with the students years of the statesman, writer, ardent son of our people Sharof Rashidov, his work in local and national newspapers, his courage in the war, lyrical and prose works as a poet and writer, richness of the main idea and content of the works. The following information is provided.